

---

**Данғара туманидаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасида 100 дан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди**

Данғара туманидаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасида 100 дан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Данғара туманидаги ўрганишлари жараёнида тадбиркор Иброҳимжон Ғуломов ташаббуси билан ташкил этилган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасидаги иш жараёнларини бориб кўрди.

Тадбиркорнинг 10 миллиард сўм ўз маблағлари ҳисобига ишга тушган корхонада асосан чақалоқлар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу жараёнларга 100 дан зиёд хотин-қизлар жалб қилинган. Раҳматулло маҳалласидан ташқари қўшни маҳаллалардан ҳам аёллар келиб ишлашлари учун шароит яратилган.

Вилоят ҳокими билан суҳбатда бўлган тадбиркор Иброҳимжон Ғуломов корхона фаолияти билан таништирар экан, жаҳон бозорларига ҳам кириб боришни режалаштираётганлигини маълум қилди.

---

2024-02-23 09:33:48